

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ

ТЎРАЕВА ДИЛОР ОМ ДЖУРАКУЛОВНА

ҚУДРАТ ҲИКМАТНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Тўраева Дилором Джуракуловна

Қудрат Ҳикматнинг бадиий маҳорати.....3

Тураева Дилором Джуракуловна

Художественное мастерство Қудрат Хикмата.....

Turayeva Dilorom Djurakulovna

Artistic skill of Kudrat Hikmat.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ

ТЎРАЕВА ДИЛОРОМ ДЖУРАКУЛОВНА

ҚУДРАТ ҲИКМАТНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида ??? рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифада <http://ik-filol.nuu.uz> манзилига ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баракаев Раҳматулла
филология фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Куранов Дилмурат Хайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор

Турдиева Кавсар Шералиевна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2017йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Назаров
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, академик

Ш.Г.Турдимов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби в.б., филол.ф.д.

Н.Ф. Каримов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида болалар адабиёти тараққиёт тамойиллари ўрганилиши миллатнинг эртанги кунини ва келажакни белгилаши нуқтаи назаридан ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки болалар адабиёти, аввало, ёш авлод маънавий камолотини таъминлаши нуқтаи назаридан улкан бадиий-эстетик ва маърифий-тарбиявий мавқеъ касб этиши унинг жамият тараққиётида тутган ўзига хос ўрнини ҳам белгилашга хизмат қилади. Зеро, болалар адабиётининг ривожланишига яратилган замин, маънавиятнинг юксалишига қаратилган эътибор сифатида жамият ривожланишидаги муҳим омиллардан биридир.

Жаҳон болалар адабиётида турли миллат болалар адабиётининг дастлабки параметрлари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, унинг журналистика, китоб нашри билан боғлиқлиги, болалар ёзувчилари ижоди умумий контекстда муайян даражада тадқиқ этилган. Болалар адабиёти намояндаларининг болалар адабиётини ривожлантиришда тутган ўрни, ижодининг халқ оғзаки ижоди ҳамда жаҳон адабиёти билан боғлиқлик даражаси, мавзу кўлами ва бадиий талқиндаги ўзига хосликларини монографик тарзда тадқиқ этиш, муайян ижодкор мисолида шу давр болалар адабиёти ҳақидаги тадқиқот натижаси адабиётшуносликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг умрбоқий миллий, маданий, адабий қадриятлари тикланишига катта имкониятлар яратилди. Миллий қадриятларимизга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Аввало, мамлакатимиз эртанги кунининг яратувчилари бўлган ёш авлод дунёқараши том маънода янгиланаётган экан, бу жиҳат бадиий адабиётда тўлалигича акс этмоғи ҳам табиийдир. Шу боисдан: “...Болалар адабиёти ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган бадиий, маърифий адабиётларнинг янги авлодини яратишга бевосита хизмат қилади... унинг аҳамияти ушбу хусусиятлар билан ўлчанади”¹. Бу борада болалар адабиётимизнинг XX асрда яратилган баркамол намуналари бугунги кундаги ёш авлод таълим-тарбиясида ўзига хос бадиий-эстетик ва маърифий-тарбиявий аҳамият касб этади. Шунингдек, бугунги болалар адабиётимиз ривожини XX аср 50-60-йиллари болалар адабиётининг қай даражада ўзлаштирилишига бевосита боғлиқ бўлиб, ўз навбатида махсус назарий тадқиқотларни ҳам тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2017 йил, 13 январь

стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон “Баркамол авлод йили” давлат дастури ҳақида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-1271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 12 январдаги ПҚ-1271-сон “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги” Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалар адабиётига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: Африка-Америка болалар адабиётининг дастлабки параметрлари аниқланган (University of Connecticut, АҚШ), Америка болалар адабиётининг журналистика билан боғлиқлиги асосланган (University of Southern Mississippi, АҚШ), XVIII аср охири XIX асрнинг бошларида болалар адабиётида драманинг ўрни белгиланган (Goethe-Universität - Institut für Jugendbuchforschung, Германия), Эрих Кэстнер ва Кемэлеттин Тагку ижодининг социологик контекстдаги хусусиятлари очиб берилган (İstanbul Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, Туркия), К.И.Чуковский ва С.Я.Маршак ижодининг болалар адабиёти, бадиий таржима санъати, автобиографик қисса жанрига алоқадорлиги бўйича илмий-назарий хулосалар асосида очиб берилган (Саратов давлат университети), адигей болалар адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари аниқланган (Адигей давлат университети), кўмиқ болалар шоири Вағит Атаев ижодининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган (Доғистон давлат университети), XX аср охири татар болалар адабиётининг ривожланиши болалар китобларини нашр этиш муаммолари билан чамбарчас боғлиқлиги исботланган (Қозон давлат университети, РФ), эрон ва тожик болалар шеърятининг умумий манбаси, энг аввало, форс-тожик адабиёти ва фольклори эканлиги асослаб берилган (Тил, адабиёт, шарқшунослик ва кўлөзма манбалар институти, Тожикистон).

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек болалар адабиётининг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хосликлари, жанрий тақомили, етакчи намоёндалари адабиётшуносликда бирмунча ўрганилган. Жумладан, Н.Қобулов,

О.Сафаров, П.Шермухамедов, С.Ирисхўжаева, З.Аҳмедова, Ҳ.Қаюмов, И.Азимов, К.Турдиева, Р.Баракаев, Д.Ражабов, Б.Ашуров ва Г.Жўраеваларнинг ушбу давр болалар адабиётига оид илмий тадқиқотлари эълон қилинди¹. Бу тадқиқотлар турли аспектларда бўлиб, Н.Қобулов, О.Сафаров, Б.Ашуровлар болалар адабиёти намояндалари ижодини монографик жиҳатдан, Ҳ.Қаюмов ўзбек болалар адабиётида табиат ва инсон тасвирини, П.Шермухамедов ўзбек болалар адабиётида реалистик принципларнинг шаклланиш ва ривожланиш муаммоларини, С.Ирисхўжаева, З.Аҳмедова ва Г.Жўраевалар болалар адабиётида ҳажв ва дидактика масалаларини, И.Азимов ва К.Турдиевалар болалар адабиётида образлилик ва маънавият масалаларини, Р.Баракаев ўзбек болалар адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини, Д.Ражабов эса ундаги поэтик маҳоратни айрим масалалари нуқтаи назаридан ўрганганлар. Бироқ шу пайтга қадар XX аср иккинчи ярми ўзбек болалар шеърятининг ривожига муносиб ҳисса қўшган Қудрат Ҳикмат ижодига бағишланган монографик пландаги тадқиқот иши олиб борилмаган.

Қудрат Ҳикмат ижоди ҳақида К.Умаровнинг “Қудрат Ҳикмат” (“Ўқитувчилар газетаси”, 1957), М.Яҳёевнинг “Бахтиёр болалар” (“Қизил Ўзбекистон”, 1954), академик М.Қўшжоновнинг “Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат” адабий портрети (1969), “Эшитинг, шеър ўқийман!” (“Ўзбек болалар адабиёти”, 1976) мақоласи, П.Шермухамедовнинг “Она сутидек покиза” (1975), Р.Баракаевнинг “Қалби шеърига жо шоир” (“Соғлом авлод учун”, 2005, № 6), “Қудрат Ҳикмат” (“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2005, 11 ж.), Миразиз Аъзамнинг “Ҳикмат қудрати” (“Ёшлик”, 2016, № 6) мақолаларидан ташқари деярли бошқа маълумотлар йўқ, бинобарин, шоир ижоди алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори илмий-тадқиқот

¹ Кабулов Н. Творчество поэта Султана Джурь: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Самарканд, 1961; Сафаров А. Шукур Саъдулла – детский писатель: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Самарканд, 1971; Эгамов Х. Язык и стиль узбекских детских поэм: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1974; Ирисходжаева С. Специфические особенности узбекской детской поэзии: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1974; Шермухамедов П. Проблемы становления и развития реалистических принципов в узбекской советской детской литературе: Автореф.дисс...д-ра филол.наук. - Ташкент, 1978; Жумабаев М. Проблема положительного героя в узбекских советских детских поэмах: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1982; Қаюмов Х.М. Художественное изображение природы и человека в узбекской советской детской литературе: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1983; Адылова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60-70-годы): Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1984; Алимов С. Становление и развитие жанра литературной сказки в узбекской советской литературе: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1984; Азимов И. Мастерство создания художественного образа в современной узбекской детской поэзии: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1988; Ибрагимова З. Идеино-художественные особенности узбекской детской прозы дошкольного возраста: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1990; Баракаев Р. XX аср бошлари ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Филол.фан.номз...дисс.автореф. - Тошкент, 1994; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърятига маънавият масаласи: Филол.фан.номз...дисс.автореф. - Тошкент, 1994; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърятига поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол.фан.номз...дисс.автореф. - Тошкент, 1995; Ашуров Б. Турсунбой Адашбоевнинг поэтик маҳорати: Филол.фан.номз...дисс.автореф. - Тошкент, 2009; Жўраева Г. Ўзбек болалар шеърятига ҳажвий образлар яратиш маҳорати: Филол.фан.номз...дисс.автореф. - Тошкент, 2010.

институту илмий-тадқиқот режаси ҳамда 2007-2011 йилларда бажарилган ФА-Ф8 15 жилдли “Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи” фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қудрат Ҳикмат шеърятининг таснифини тузиш, поэтик маҳорати, халқ оғзаки ижоди билан боғлиқлик даражасини асослаш, ўзбек болалар адабиёти тараққиёти ва асарларининг бадиий-эстетик ҳамда маърифий-тарбиявий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қудрат Ҳикматнинг XX аср ўзбек болалар адабиётида тутган ўрнини аниқлаш;

шоир ижодини анъана ва бадиий маҳорат нуқтаи назаридан фольклор намуналари, жаҳон болалар адабиёти ва адабий таъсир доирасида очиб бериш;

шеърларда шакл ва мазмун уйғунлигининг аҳамиятини ёритиш;

Қудрат Ҳикмат асарларининг мавзу кўлами, бадиий эстетик ва маърифий-тарбиявий хусусиятларини асослаб бериш;

Қудрат Ҳикмат ижодида образларни тавсифлаш ва уларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

шоир ижодида ҳажвийлик муаммосини ойдинлаштириш;

Қудрат Ҳикмат ижодида табиат лирикасининг ўзига хосликларини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қудрат Ҳикматнинг “Бахтли болалар” (1951), “Дўстлик” (1954), “Уч ўртоқнинг совғаси” (1957), “Алишер ва китоб” (1962), “Ўғлим билан суҳбат” (1970), “Олмос менинг юрагим” (1983), “Менинг юрагим” (1986), “Mening Vatanim” (2008) каби шеърӣ тўпламлари танланган. Шунингдек, ўзбек болалар адабиёти намояндаларидан Ғафур Ғуломнинг “Фарзандларимга” (1983), Қуддус Муҳаммадийнинг “Танланган асарлар”, “Табиат алифбеси” (1974-1980), Шукур Саъдулланинг “Сенинг байраминг” (1935-1970), Толиб Йўлдошнинг “Копток нега қочади?” (1970), Илёс Муслимнинг “Ойхон ва Райхон” (1964), “Кўрик” (1969), Т.Адашбоевнинг “Арслонбоб шаршараси” (1970), “Олатоғ-лолатоғ” (1978), “Арслонбоб афсонаси” (1988) каби шеърӣ тўпламлари қиёсий таҳлил учун тадқиқотга жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек болалар шеърятининг ҳассос вакили Қудрат Ҳикматнинг ижодий фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида таснифлаш, тавсифлаш, биографик, герменевтик, текстологик, қиёсий-типологик ва қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижодкор асарларининг мавзу кўлами, ёш китобхон маънавий камолотида лирик шеърларнинг бадиий-эстетик ва эртак-достонларнинг маърифий-тарбиявий хусусиятлари очиб берилган;

шоир ижодидаги шакл ва мазмун уйғунлиги, сатрлари қисқа хижоли шеърларнинг ўзбек болалар адабиёти таракқиётида янги босқичдаги шеърый шакл сифатида яратилиши аниқланган;

Қ.Ҳикмат ижодидаги адабий анъана ва бадиий маҳорат муаммоси халқ оғзаки ижоди ва устоз-шоирлардан ижодий ўзлаштириш, халқ эртак, дoston ва масаллари сюжети асосида қайта яратган адабий эртак ва дostonларида намоён бўлиши асосланган;

жаҳон болалар адабиёти намуналаридан таржималарнинг шоир бадиий маҳорати шаклланишидаги мавқеи исботланган;

пейзаж лирикасида табиат ҳодисалари бадиий образ даражасига олиб чиқилишида фольклорнинг турли жанрлари таъсири очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Қудрат Ҳикмат асарларининг бугунги ёш авлод шуурига ватанпарварлик, ҳалоллик, адолатпарварлик, илмга чанқоқлик каби инсоний фазилатларни сингдириши, улар дунёқарашини шакллантириши жамият ахлоқий-маънавий такомилда муҳимлиги асосланган;

шоир ижодини тадқиқ этиш орқали чиқарилган илмий-назарий хулосалар келгусида ўзбек болалар адабиёти йўналишида олиб бориладиган тадқиқотлар учун муҳим манба сифатида хизмат қилиши аниқланган;

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида болалар адабиётини ўрганишда ёрдамчи адабиёт бўлиб хизмат қилиши далилланган;

шоир асарларига халқ оғзаки ижодининг самарали таъсирини ўрганиш орқали фольклорнинг ёзма адабиёт ривожига таъсири муаммолари муайян ижодкор асарлари қиёсий таҳлили мисолида белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг биографик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, таснифлаш каби усуллар билан асослангани, ўзбек болалар адабиётининг турли даврларига оид манбаларига таянилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек адабиётининг муҳим таркибий қисми бўлган болалар адабиётининг ХХ аср иккинчи ярми шеърый тарихини яратишга ва унинг умумий қиёфасини тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Қудрат Ҳикмат ижоди ўзига хос хусусиятларининг очиб берилиши олий ўқув юртлари ва ўрта-маҳсус касб-ҳунар коллежлари учун ўзбек болалар адабиёти тарихига оид яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Қудрат Ҳикмат бадиий маҳорати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шоир ижодининг ўзига хослиги, бадиий маҳорати, асарларининг маърифий-тарбиявий ва бадиий-эстетик хусусиятларига оид олинган илмий натижалардан ФА-Ф8 15 жилдли “Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи”

фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасининг (2007-2011 йй.) болалар адабиёти қисмида ўзбек болалар фольклори ва адабиёти тарихининг маълум қисмини яратишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 9 октябрдаги ФТА-02-11/827-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ХХ асрнинг 50-60-йиллари ўзбек болалар обзориди ва “Қудрат Ҳикмат” персоналиясида ўз исботини топган;

адиб ижодида адабий таъсир ва издошлик масалалари С.Маршак, С.Михалков, Г.Борян ижоди таъсирида яратган асарлари ҳамда унинг табиат лирикасига бағишланган шеърларининг А.С.Пушкин, Ф.И.Тютчев шеърлари билан қиёсий-типологик таҳлилининг илмий-назарий хулосаларидан ФА-Ф8 15 жилдли “Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи” фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасининг (2007-2011 йй.) болалар адабиёти қисмида унинг жаҳон адабиёти таъсирида ривожланиши қисмида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 9 октябрдаги ФТА-02-11/827-сон маълумотномаси). Таҳлил натижаларида ўзбек болалар адабиётининг адабий таъсир контекстида ривожланиш хусусиятлари илмий далиллар билан асослаб берилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси буюртмасига биноан тайёрланган икки жилдлик “Ўзбек болалар адабиёти антологияси”да ХХ аср иккинчи ярми ўзбек болалар адабиёти тарихининг яхлит манзарасини яратиш ва Қудрат Ҳикмат адабий портретини тасвирлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2017 йил 17 ноябрдаги 01-03/1000-сон маълумотномаси). Илмий натижалар икки жилдлик “Ўзбек болалар адабиёти антологияси”нинг 1-жилди “Назм” (1-жилд)да (Тошкент, 2017) “Қудрат Ҳикмат” адабий портретининг яратилиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.Тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 10 та республика ва 7 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган 154 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қудрат Ҳикматнинг ижодий йўли”** номли биринчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, шоир ижодининг адабиётшуносликда ўрганилиши ҳамда унинг ижодий йўли ҳақидаги мулоҳазаларни мужассамлаштирган.

Қудрат Ҳикмат ижодининг XX аср иккинчи ярми ўзбек болалар адабиётида тутган ўрни унинг ўша давр адабиётшунослари томонидан чоп этилган мақолалар ва тақризларда намоён бўлади. Шоир ижоди ҳақидаги илк ахборот 1954 йилда “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилган “Бахтиёр болалар” тақризи бўлиб, унда Қ.Ҳикматнинг “Детгиз” нашриёти (Москва)да чоп этилган “Счастливые дети” (“Бахтиёр болалар”) тўплами ҳақида сўз юритилган. Тақризда таржимон Юрий Яковлев Қудрат Ҳикматнинг мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва бошланғич мактаб ўқувчилари учун ёзилган энг яхши шеърларини тўпламга киритган ҳамда уларнинг ўзига хос поэтик хусусиятларини, бадий кувватини тўла сақлаган ҳолда рус китобхонларига етказиб беролганлиги қайд этилади, Қудрат Ҳикмат воқелик ҳамда табиат ҳодисаларига ёш қахрамон нуқтаи назари билан қараганлиги, бу ҳолат унинг шеърларидаги деталларда акс этиши таъкидланади².

К.Умаровнинг “Қудрат Ҳикмат” мақоласи 1957 йилда “Ўқитувчилар газетаси”да чоп этилган. Муаллиф истеъдодли ёш шоирнинг ўзбек болалар адабиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ижодининг машҳур рус шоирлари томонидан эътироф этилганини таъкидлаб: “Қудрат Ҳикмат 1951 йилда ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашди. Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ёш шоир учун яхши мактаб бўлди. Шоирнинг шеърларига совет болалар адабиётининг йирик намояндалари С.Михалков, Маршак, Барто, Чуковский ва бошқалар тақризлар бердилар. Шоирнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатдилар. Шоирнинг “Тўкилганни териб ол!”, “Бизнинг маккажўхори”, “Яхши ният”, “Сув”, “Келаверинг бизнинг боққа” каби бир қатор шеърлари болаларни ҳалол меҳнатга йўлловчи чақириқлардир”³, - деб ёзган.

Шоир ижоди ҳақидаги алоҳида эътиборга сазовор дастлабки тадқиқот академик М.Қўшжонов қаламига мансуб бўлиб, “Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат” рисоласида⁴ шоир ижодидаги айрим ўзига хос чизгиларга, унинг бадий ижод “қонуниятлар”и билан жиддий ҳисоблашишига алоҳида аҳамият берилган. Унинг шеърлари дунё сирлари ҳақидаги саволларга жавоб бериши, шоир бу жавобларни жонлантириши, унга поэтик оҳанг бағишлаши, табиатни, унинг сирларини бевосита ҳис қилишга ёрдам берадиган жонли ифода усулларини топиши алоҳида таъкидланган.

² Қаранг: Яҳёев М. Бахтиёр болалар // Қизил Ўзбекистон, 1954. – 21 сент.

³ Умаров К. Қудрат Ҳикмат // Ўқитувчилар газетаси, 1957. - 16 июль.

⁴ Қўшжонов М. Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат. – Тошкент: Ўз КП МК нашриёти, 1969. – 30 б.

Бундан ташқари, Қудрат Ҳикмат ижоди ўзбек болалар адабиётининг 3 китобдан иборат тарихи⁵, бир неча монография ва рисола⁶, диссертациялар⁷, бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларида⁸, шоир тўпламлари сўзбошиларида⁹, Р.Баракаевнинг “Қалби шеърига жо шоир” (“Соғлом авлод учун”, 2005, № 6) ҳамда “Қудрат Ҳикмат” (“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2005, 11 ж.) номли мақолаларида турли аспектларда ўрганилган. Бироқ, юқорида санаб ўтилган илмий ва илмий-оммабоп асарларда Қудрат Ҳикмат ижодининг айрим жиҳатларигина ўрганилган.

Қ.Ҳикматнинг болаларга хос соддалиги, синчков ва ўқтам табиати, ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчанлиги унинг яқин дўстларидан бири, “девор-дармиён” кўшниси, ношир С.Йўлдошев хотираларидаги кизиқарли воқеалар мисолида ҳикоя қилинган.

Бобнинг иккинчи фаслида шоирнинг 43 йилдан иборат қисқагина умри ва унинг сермахсул ижодий фаолияти таҳлил қилинган.

Қудрат Ҳикмат 1925 йилда Тошкентнинг қадимги Себзор маҳалласида таваллуд топган. Онаси Муборак ая (1934 йилда вафот этган)дан жуда эрта етим қолган Қудрат Ҳикмат 1934 йилда ўрта мактабга ўқишга кириб, 1944 йилда уни муваффақиятли битирган. Ёш Қудратнинг қалбида шеърятга бўлган муҳаббат мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ туғилган. У ёш шоир сифатида мактаб деворий газеталарида илк машқлари билан қатнаша бошлайди. Шеърятга муҳаббат уни адабиёт тўғараги томон бошлаб, бўлажак шоирнинг поэтик истеъдоди ушбу тўғарақда намоён бўла бошлайди. Атоқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ёш қаламкаш қобилиятини

⁵ Ўзбек совет болалар адабиёти тарихи очерки. - Тошкент: Фан, 1978. – 280 б.; Болалар адабиёти ва замонавийлик. – Тошкент: Фан, 1981. – 212 б.; Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. – Тошкент: Фан, 1989. – 312 б.

⁶ Шермухамедов П. Детская литература Узбекистана. – Москва: Детская литература, 1974. – 208 с.; Яна ўша. Она сутидек показа. – Тошкент: Ёш гвардия, 1975. – 80 б.; Ирисхўжаева С. Болалар адабиётида дидактика. – Тошкент: Фан, 1977. - 48 б.; Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. - Тошкент: Фан, 1991. - 120 б.; Турдиева К. XX асрнинг 60-80-йилларида ўзбек болалар шеърятда маънавият масалалари. - Тошкент: Адабиёт учқунлари. – 2013.- 87 б.

⁷ С.Ирисхўжаева. Ўзбек болалар шеърятининг ўзига хос хусусиятлари: Филол.фан.ном...дисс. - Тошкент, 1974.; Қахрамонов К.Я. Роль литературной критики в развитии реалистических принципов в узбекской детской литературе: Автореф.дисс...канд.филол.наук. - Ташкент, 1988.; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърятда маънавият масаласи: Филол.фан.номз...дисс.автореф. - Тошкент, 1994; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърятда поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол.фан.номз... дисс. автореф. - Тошкент, 1995; Ашуров Б. Турсунбой Адашбоевнинг поэтик маҳорати: Филол.фан.номз...дисс. автореф. - Тошкент, 2009; Жўраева Г. Ўзбек болалар шеърятда ҳажвий образлар яратиш маҳорати: Филол. фан.номз...дисс.автореф. - Тошкент, 2010.

⁸ Шермухамедов П. ва бошқ. Ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976.; Жумабоев М. Болалар адабиёти. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994.; Суюмов А., Жумабоев М. Болалар адабиёти. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995.; Жумабоев М. Болалар адабиёти. Касб-хунар коллежларининг “Мактабгача таълим” бўлими учун дарслик-мажмуа. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.; Bolalar adabiyoti: Pedagogik yo`nalishdagi kollejlal uchun majmua / Tuzuvchi-muallif: M. Jumaboev; Mas`ul muharrir: M.Mahmudov.- Toshkent: O`qituvchi, 2004.

⁹ Йўлдошев С. “Бахтиёрлар куйчиси” / Ҳикмат Қудрат. Соатжоннинг соати. – Тошкент: Ёш гвардия, 1964. 3-14 б.; Қўшжонов М. “Эшитинг, шеър ўқийман!” / Ҳикмат Қудрат. Ўғлим билан суҳбат. – Тошкент: Ёш гвардия, 1970. 5-14 б.; Яна ўша. “Эшитинг, шеър ўқийман!” / Ҳикмат Қудрат. Олмос менинг юрагим. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. 3-12 б.; Yo`ldoshev S. “Qudrat Hikmatni eslab...” / Hikmat Qudrat. Mening vatanim. – Toshkent: Sharq, 2008.5-19 b.; Adashboev T. “Olmos edi yuragi” / Hikmat Qudrat. Mening vatanim. – Toshkent: Sharq, 2008. 135-140 b.

ардоқлаб, уни қўллаб-қувватлайди, адабиёт оламига дадил кириб келишига кўмаклашади. 1945 йилдан бошлаб Қудрат Ҳикмат шеърлари устози ҳомийлигида “Ленин учкуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”), “Ёш ленинчи”, Қизил Ўзбекистон” газеталарида, “Пионер” (ҳозирги “Гулхан”), “Шарк юлдузи” каби журналларда чоп этила бошлайди.

Ёш шоирдаги истеъдодни, қатъиятни, меҳнатқашликни пайқаган Ойбек уни Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан 1947 йилда Самарқанднинг Нарпай туманига, Ислом бахшининг олдига юборади. Ислом бахшининг туғма истеъдоди, сайроқи дўмбираси эндигина адабиёт оламига қадам кўяётган ёш шоирни ўзига ром этади ва Ислом шоир Назар ўғлига адабий котиб сифатида хизмат қилиш ундаги шеърятга бўлган интилишнинг янада камол топишига ёрдам берди.

Қудрат Ҳикмат 1950 йили Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетининг кечки бўлимига ўқишга киради. Истеъдодли ёш шоирнинг биринчи тўплами 1950 йилда “Менинг Ватаним” сарлавҳаси остида нашр этилади. 1951 йилда “Бахтли болалар” ва рус тилида “Мы - садовники” шеърлар тўплamlари нашрдан чиқади. 1952 йилда эса Москвадаги болалар нашриёти - “Детгиз”да “Счастливые дети” шеърлар тўплами чоп этилади. Қудрат Ҳикмат шеърларининг китобхонлар географияси ана шу тариқа аста-секинлик билан кенгая боради. 1951 йил январь ойида у Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинади. 1952 йил октябрь ойидан Чирчиқ шаҳар газетаси редакциясида адабиёт бўлимини бошқаради.

1953 йилда яна Тошкентга қайтиб, институтда ўқишни давом эттириш билан бирга ёшларга болалар адабиётидан дарс беради, амалий машғулотлар ўтказади. 1953 йилда “Ободлик”, 1954 йилда “Дўстлик”, 1955 йилда “Родной край”, 1956 йилда “Москвага саёҳат”, 1957 йилда “Уч ўртоқнинг совғаси” шеърлий тўплamlари нашр этилади. 1957 йилда Тошкент давлат кечки педагогика институтини тугатгач, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир бўлиб ишлай бошлайди. 1958 йили ўзбек санъати ва адабиёти декадасига тухфа сифатида шоирнинг “Новая книга” шеърлар тўплами босилиб чиқади. Декада кунларида москвалик атоқли шоирлар иштирокида ўтган муҳокамада ўзбек болалар адабиёти ривожига муносиб ҳиссасини кўшаётган истеъдодли шоир “Меҳнатда ўрнатилганлиги учун” медали билан мукофотланади.

Қудрат Ҳикмат 1960 йилдан умрининг сўнгги кунларигача “Ёш гвардия” нашриётида муҳаррир, болалар адабиёти бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатади.

Шоирнинг ҳаёт даврида, яъни илк тўплами 1950 йилда чоп этилганидан сўнг ўн саккиз йил ичида жами 21 та, жумладан, ўзбек тилида 14 та: “Менинг Ватаним” (1950), “Бахтли болалар” (1951), “Ободлик” (1953), “Дўстлик” (1954), “Москвага саёҳат” (1956), “Уч ўртоқнинг совғаси” (1957), “Невара меҳри” (1959), “Чирчиқ фарзанди” (1960), “Онажоним” (1961), “Алишер ва китоб” (1962), “Илоншоҳ ва унинг амалдори Ари ҳақида эртақ” (1963),

“Соатжоннинг соати” (1964), “Тошбақалар хужуми” (1965), “Шамол ботир” (1966)¹⁰, рус тилида эса 7 та: “Мы-садовники” (1951), “Счастливые дети” (1952), “Родной Узбекистан” (1955), “Новая книга” (1958), “Сын Чирчика” (1961), “Не про вас ли это?” (1962)¹¹, “Ветерь богатырь” (1964)¹² тўпламлари нашр этилган.

Ушбу рўйхат, аввало, шоирнинг ўз ижодига ниҳоятда талабчанлигини кўрсатишга хизмат қилади. Чунки, Қудрат Ҳикматнинг дастлабки тўпламларида чоп этилган шеърлари унинг кейинги тўпламларида, албатта, жиддий таҳрир қилиниб, янада бадиий тасвир воситаларига бойитилиб, ҳар томонлама мукаммаллаштириб нашр қилинган. Бу жараён эса ўз навбатида, шоир ижодий лабораториясини махсус ўрганиш лозимлиги далолатидир. Ана шу талабчанлик, қаттиққўллик боис шоирнинг шеърлари умрбоқийлик мақомига эришган.

Қудрат Ҳикматнинг болалар адабиётининг асосий хусусиятлари ҳисобланган бадиийлик, маърифийлик ва тарбиявийликни ўзида мужассамлаштира олган, замонасозликдан йироқ бўлган асарлари бир неча даврлар оша, авлоддан-авлодга ўтиб, ёш китобхонлар қалбини забт этиб, уларнинг маънавий олами ва дунёқарашини шакллантириб келмоқда. Айнан ана шу умрбоқийлик сабаб, унинг шеърлари вафотидан сўнг ҳам “Дайди бола” (1970), “Ўғлим билан суҳбат” (1970), “Олмос менинг юрагим” (1973), “Олмос менинг юрагим” (1983), “Менинг юрагим” (1986), “Mening Vatanim” (2008)¹³ каби тўпламлар тарзида қайта-қайта нашр этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шоирнинг характери унинг ижодий фаолиятига таъсир кўрсатиб, асарларида яққол намоён бўлади. Шу жиҳатдан Қудрат Ҳикмат ижодида ҳақгўйлик, самимийлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, билимга меҳр, яхшиликни улуғлаш каби комил инсонларга хос хусусиятлар устувор бўлган. Шоир ўз феъл-атворидан келиб чиқиб, шеърларида дангаса, чақимчи, “иккичи” болаларга қарши “уруш очади”.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Шоир ижодида анъанавийлик ва бадиий маҳорат”** деб номланган бўлиб, икки фаслдан таркиб топган. Унда

¹⁰ Ҳикмат Қудрат. Менинг Ватаним. - Тошкент: Ўздавнашр, 1950. - 24 б.; Ҳикмат Қудрат. Бахтли болалар. - Тошкент: Ўздавнашр, 1951. - 31 б.; Ҳикмат Қудрат. Ободлик. - Тошкент: Ўздавнашр, 1953. - 13 б.; Ҳикмат Қудрат. Дўстлик. - Тошкент: Ўздавнашр, 1954. - 40 б.; Ҳикмат Қудрат. Москвага саёҳат. - Тошкент: Ўздавнашр, 1956. - 30 б.; Ҳикмат Қудрат. Уч ўртоқнинг совғаси. - Тошкент: Ўздавнашр, 1957. - 79 б.; Ҳикмат Қудрат. Невара меҳри. - Тошкент: Ўздадабийнашр, 1959. - 57 б.; Ҳикмат Қудрат. Чирчик фарзанди. - Тошкент: Ёш гвардия, 1960. - 16 б.; Ҳикмат Қудрат. Онажоним. - Тошкент: Ўздавнашр, 1961 - 12 б.; Ҳикмат Қудрат. Алишер ва китоб. - Тошкент: Ўздавнашр, 1962. - 31 б.; Ҳикмат Қудрат. Илоншоҳ ва унинг амалдори Ари ҳақида эртак. - Тошкент: Ўздавнашр, 1963. - 39 б.; Ҳикмат Қудрат. Соатжоннинг соати. - Тошкент: Ўздавнашр, 1964. - 31 б.; Ҳикмат Қудрат. Тошбақалар хужуми. - Тошкент: Ёш гвардия, 1965. - 31 б.; Ҳикмат Қудрат. Шамол ботир. - Тошкент: Ўздавнашр, 1966. - 31 б.;

¹¹ Йўлдошев С. “Бахтиёрлар куйчиси” / Ҳикмат Қудрат. Соатжоннинг соати. - Тошкент: Ёш гвардия, 1964. 7-9 б.

¹² Ҳикмат Қудрат. Ветерь-богатырь. (Перевод с узбек.З.Тумановой.) - Ташкент: Ёш гвардия, 1966. - 128 стр.

¹³ Ҳикмат Қудрат. Дайди бола. - Тошкент: Ёш гвардия, 1970. - 31 б.; Ҳикмат Қудрат. Ўғлим билан суҳбат. - Тошкент: Ёш гвардия, 1970. - 173 б.; Ҳикмат Қудрат. Олмос менинг юрагим. - Тошкент: Ёш гвардия, 1983. - 62 б.; Ҳикмат Қудрат. Менинг юрагим. - Тошкент: Ёш гвардия, 1986. - 174 б.; Hikmat Qudrat. Mening vatanim. - Тошкент: “Sharq”, 2008. - 144 б.

халқ оғзаки ижоди анъаналарининг шоир ижодига таъсири ҳамда жаҳон бадий адабиёти ва устоз шоирларнинг бадий тажрибалари маҳорат мактаби сифатида таҳлил этилади.

Бобнинг биринчи фаслида мақоллар, топишмоқлар, ўйин-кўшиқларнинг Қудрат Ҳикмат ижодига таъсири натижасида юзага келган шеърлар таҳлил қилинган.

Чунки шоир ва ёзувчилар бадий асар тилининг халқчил, ширали, равон бўлиши учун кўпда халқ оғзаки ижодига мурожаат қиладилар. Қудрат Ҳикмат ҳам ўз ижодида халқ оғзаки ижодининг энг фаол жанри бўлмиш мақоллардан турли мақсадларда фойдаланган. “Ҳожар холанинг ташвиши”, “Эгри ва тўғри”, “Дайди бола”, “Қовоқлар”, “Мақтабга кета туриб”, “Бахилнинг боғи кўкармас”, “Ўйлаб иш қил” каби шеърлар шулар жумласидандир. “Мақтабга кетатуриб” шеърида шоир исрофгарчиликнинг уволи ҳақида баҳс юритиб, шундай дейди:

*Пахта билан яшнар юрт,
Доим шуни эсда тут:
Тома-тома кўл бўлар,
Йиғсанг хирмон мўл бўлар.*

(«Менинг юрагим», 22-б.)

Шеърда “Тома-тома кўл бўлар, томмай қолса чўл бўлар”¹⁴ халқ мақолининг иккинчи қисми шеър мавзусига мос равишда ўзгартирилиб, шоир фикрининг ўқувчига янада таъсирлироқ етказилишига имкон берган.

Халқ нақлининг ўринли қўлланилиши асар таъсирчанлиги ҳамда тарбиявийлигини оширишга хизмат қилади. Шоир шеърларида баъзан очиқ, баъзан яширин тарзда намоён бўладиган ушбу анъанавий “қиссадан ҳисса” чиқариш усули, бир жиҳатдан, шеърнинг аниқ ва ёрқин хулоса билан тугалланишини таъминланишига хизмат қилса, иккинчи томондан, ёш китобхон эътиборини тасвирланган ва шеърда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган масалага жалб этади.

Қудрат Ҳикмат халқимизнинг бой адабий меросидан фойдаланиб, “Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида эртак”, “Кўмилган олтин, вайсақи хотин ва тадбиркор овчи қиссаси”, “Човқар”, “Эшак нега ханграйди?”, “Бободехқон хангомаси”, “Тошбақалар ҳужуми”, “Қум остида қовунлар”, “Чирчиқ фарзанди» каби дoston ва эртакларни яратади ва уларни яратишда халқ оғзаки ижодидан фойдаланганини қуйидагича таъкидлайди:

*Янги эмас бу эртак,
Тингланг айтиб бераман.
Уни халқдан олгандим,
Яна қайтиб бераман.*

(«Менинг юрагим», 146-б.)

¹⁴ Ўзбек халқ мақоллари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. - Б.373.

Академик М.Кўшжонов ёзганидек, “Ҳар бир шоир ҳам, ҳар бир ёзувчи ҳам халқдан олиб халққа беради. Бироқ Қудрат Ҳикмат ижодида бу халқдан олиб, уни қайта ишлаб, яна халққа бериш асосий омиллардан” дир¹⁵.

Қ.Ҳикматнинг “Кўмилган олтин, вайсақи хотин ва тадбиркор овчи қиссаси” замирида “инсон токи ўз пешана тери билан ишлаб топмаса, ҳалол бўлмайди” деган ҳақиқат ётади. Бу ота-боболаримиздан қолган азалий ҳикмат бўлиб, бизга халқ оғзаки ижоди намуналари орқали етиб келган. Қ.Ҳикмат ушбу эртагида халқ оғзаки ижодига хос образлар, тасвир усулларидан айнан фойдаланишга ҳаракат қилади. Эртақ қиссадан ҳисса тариқасида жуда ажойиб, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мисралар билан яқунланади:

*Агар меҳнат сингмаса,
Вафо қилмас экан бахт*

(«Менинг юрагим», 145-б.)

Қудрат Ҳикматнинг бу асари ёш китобхон қалбига ҳалоллик, поклик, ростгўйлик уруғларини экади, унинг маънавий баркамол бўлишига йўл очади.

Маълумки, ҳар бир миллий адабиётнинг шаклланишида, унинг ривож топишида бошқа халқлар адабиёти ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан болалар адабиёти ҳам мустасно эмас. Ҳар бир ижодкор ўз халқи адабиётини жаҳон адабиётининг нодир асарлари билан бойитишга, уни ўз она тилида китобхонларга тухфа қилишга баҳолиқудрат ҳаракат қилади ва бу жараёнда таржиманинг роли бекиёсдир. XX аср ўзбек болалар адабиёти ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшган Қ.Ҳикмат ҳам ўзбек болалар адабиёти хазинасининг бойишида ўз таржималари билан фаол иштирок этди. У машҳур рус болалар шоирлари С.Маршак, С.Михалков, Ю.Коринец, арман шоири Г.Боряннинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилиб, ёш китобхонларга тақдим этди.

С.Маршак “Ёнғин” асарида асосий воқеага ўтишдан аввал, ёш китобхонга ўт ўчирувчиларнинг вазифалари, уларнинг ўтмишдаги миноралари, юқорига учириладиган шарлари ҳақида ахборот бериб, сўнгра ҳозирги кунга келиб ўт ўчирувчиларни бир қўнғироқ билан чақириш мумкинлигини тўғрисидаги маълумотларни муфассал тасвирлайди. Қ.Ҳикмат ҳам ўз асарларини яратишда айнан шу йўлдан борган. Унинг қайси бир шеърини олманг, шоир асосий мавзуга ўтишдан аввал, албатта китобхонни шу мавзуга оид дастлабки ахборот билан таништиради, сўнгра асосий сюжетга ўтади. Фикримиз далилини “Сув”, “Шамол ботир”, “Мих”, “Устун”, “Зинапоя”, “Китоблар”, “Қалам”, “Тунафша”, “Электр аррачи”, “Пўлат қуювчи” каби шеърларда кўриш мумкин.

Қ.Ҳикматнинг “Тутун” шеъри “Ёнғин”дан таъсирланиш маҳсули бўлса ҳам ажаб эмас, чунки оловнинг жонлантирилиши, тутун билан уришиши, уни муштлаши каби сюжетлар “Ёнғин”да ҳам мавжуд.

¹⁵ Кўшжонов М. Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат. - Тошкент: Ўз КП МК нашриёти, 1969. - Б. 25.

Қудрат Ҳикматнинг арман шоири Гурген Боряннинг 1955 йилда Москванинг “Детская литература” нашриётида чоп этилган рус тилидаги “Да и нет”¹⁶ тўпламининг ўзбек тилидаги “Ҳа ва йўқ”¹⁷ тўпламидаги (“Менинг онам” шеърдан ташқари - Д.Т.) таржималар Қ.Ҳикматнинг ҳеч қайси шеърини тўпламига киритилган эмас, ваҳоланки, муаллиф бу тўпланда турли мавзулардаги 21 та шеърни баҳолиқудрат ўзбек тилига таржима қилган ва, албатта, бу таржималар шоир бадиий маҳорати ривожига ўзининг самарали таъсирини кўрсатган.

Академик М.Қўшжонов устоз-шогирд ижодларига назар ташлар экан: “Қуддус Муҳаммадий - ўзбек болалар адабиётининг катта авлодига мансуб шоир. Қудрат Ҳикмат эса ундан кейинги авлод вакилидир. Бир-бирларига яқин турган икки авлод вакиллари - биринчисидagi шоирона оддийлик, халқ ижодига ниҳоятда яқин туришлик, фольклор оҳангларидан, шакл ва маъно хусусиятларидан унумли фойдаланишлик, иккинчисидagi, мазкур хусусиятларни ўзлаштирган ҳолда шеърини маданийлик, шакл ва мазмундаги мукамаллик ва тугаллик бизни ўзига жалб қилди”,¹⁸ дейди. Қуддус Муҳаммадий - она-табиат куйчиси, Қудрат Ҳикмат манзара яратиш устаси. Шундай экан, улар ижодида табиат манзарасини тараннум этувчи шеърлар бисёр. Қудрат Ҳикматнинг қиш манзарасини ифодаловчи баъзи шеърларини Қуддус Муҳаммадийнинг “Ҳай-ҳай, кўркем қиш” шеърига қиёслаш ҳам бу борада шогирднинг устозидан ўрганиши, ижодий таъсирланишини тасдиқлайди. Фикр далили учун Қуддус Муҳаммадий шеъридаги “*Она булут осмонни элар элак // Қор унини тўзгитар чақмоқ билан*” ибораси Қудрат Ҳикматнинг “Қиш тўзгитар момик қор” шеърида қандай ифодаланганлигига эътибор берайлик: “*Осмон элак наздимда // Шаҳримизга ун сепар*”. Ҳар иккала шеърда ҳам кумуш қиш зийнати бўлмиш оппоқ қор унга, осмон эса элакка қиёсланади. Демак, шу биргина қиёс ўхшашлиги ҳам Қудрат Ҳикмат манзара яратиш маҳоратини Қуддус Муҳаммадийдан ўрганганлиги далолатидир. Ўз ўрнида Т.Адашбоев ҳам Қудрат Ҳикматдан табиат манзарасини тасвирлашни ўзлаштирганини қуйидаги мисолда кўриш мумкин: Қ.Ҳикматнинг “Чирчиқ фарзанди” поэмасидagi “*Нортуядек лўкиллаб, // Бебош Чирчиқ пишқирган*” ифодаси Т.Адашбоевнинг “Арқитда” шеърида “*Нортуядек лўкиллаб, // Шошиб оқар Қапчиғай*” сатрларида такрорланиши фикримиз далилидир. Чунки, иккала шеърда ҳам дарё тўлқинлари жонлантирилиб, нортуя ўрқачларига қиёсланган.

Ўзбек болалар адабиёти ривожига халқ оғзаки ижодидаги ўйин қўшиқларининг аҳамияти каттадир. Бу борада Ғафур Ғуломнинг “Оқ теракми - кўк терак”, “Читтигул” каби шеърлари Қ.Ҳикмат эътиборини жалб этган бўлса, ажаб эмас. Чунки у ҳам айнан шу ўйин қўшиқлари асосида ўзининг “Оқ теракми - кўк терак”, “Чиллак ўйин” каби шеърларини яратди.

¹⁶ Борян Гурген. Да и нет. (Перевод В.Саркисян). – Москва: Детская литература, 1958. – 48 б.

¹⁷ Борян Гурген. Ҳа ва йўқ. (Қудрат Ҳикмат таржимаси). – Тошкент: Ёш гвардия, 1961. – 46 б.

¹⁸ Қўшжонов М. Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат. - Тошкент: Ўз КП МК нашриёти, 1969. - Б. 4.

Қудрат Ҳикмат асарлари таҳлил қилинар экан, унинг ижодида устозлар ижодидан ўрганиш, таъсирланиш ва улар анъаналарини ўзлаштирган ҳолда давом эттириш алоҳида ўрин тутганлиги яққол намоён бўлади. Зеро, дастлабки шеърларини катталар учун ёзган шоир устози Қуддус Муҳаммадий ижодидан илҳомланиб, ўз ижодини буткул болалар адабиётига бағишлади. У устоздан болаларча фикрлашни, дунёни кичкинтойлар нигоҳи билан кўришни, табиат манзараларини турфа рангларда ҳис этишни ва буларнинг барчасини гўзал бадиий санъатларга йўғрилган ҳолда тасвирлашни ўрганди.

Диссертациянинг **“Қудрат Ҳикмат ижодининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида шоир қаламига мансуб шеърларнинг ўзига хос хусусиятлари шакл ва мазмун уйғунлиги ҳамда образлар тизими орқали таҳлил қилинган, мавзу жиҳатидан таснифланган.

Маълумки, бадиий адабиётда, хусусан, болалар шеърлятида шакл ва мазмун уйғунлиги асар бадиий мураккаблигини таъминловчи дастлабки муҳим омилдир. Академик Иззат Султон таъкидлаганидек “фақат юқори бадиий шаклда ифода этилган мазмунгина ўқувчига таъсир кўрсата олиши мумкин. Бадиий асарда мазмун билан шакл, бир қушнинг икки қанотидек, ажралмас бирликда яшайди”¹⁹.

Қудрат Ҳикмат ижодининг ўзига хослигини, умрбоқийлигини таъминловчи асосий жиҳатлардан бири ҳам унинг шеърлардаги шакл ва мазмун уйғунлигидир. Шоир ўз шеърларида олға сурилган фикр ва ғояларни ифодалаш учун асосан содда вазнларга мурожаат этиб, кўпинча 4, баъзан эса 5 ва 7 бўғинли туроклардан фойдаланадики, бу ҳол шеърнинг болаларбоп содда ва ритмик жиҳатдан ўйноқи, мусиқий шаклга эга бўлишини таъминлайди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Қ.Ҳикмат шеърларининг асосий қисми шу сингари содда вазнда, яъни бир туркумга кирувчи бўғинлар гуруҳидан иборат бўлиб, асосан, 4-5, камдан-кам 7 бўғинли мисралардан ташкил топган.

5 бўғинли шеърлардан бири “Най” деб аталган:

<i>Самбит толидан (5)</i>	<i>Истасанг, яна(5)</i>
<i>Кесиб эринмай, (5)</i>	<i>“Наво”ни чалай. (5)</i>
<i>Ясаб олдим мен (5)</i>	<i>Ростингни айт-чи, (5)</i>
<i>Шахматнусха най. (5)</i>	<i>Машқларим қалай?! (5)</i>
<i>Унда тинглаб кўр, (5)</i>	<i>Навбатда ҳали(5)</i>
<i>“Чўли ироқ”ни. (5)</i>	<i>Бордир “Тановор”. (5)</i>
<i>Куйим янгратар(5)</i>	<i>Ҳаммаси асл, (5)</i>
<i>Яқин-йироқни. (5)</i>	<i>Менга баробар. (5)</i>

(“Менинг юрагим”, 26.)

Шеърда ҳижолаар сони ҳар бир мисрада 5 тадандир. Шеърнинг ёш китобхонлар эътиборини тортадиган яна бир муҳим жиҳати “чақмоқдек чақилган” қофиялар бўлиб, улар шоирнинг сўз танлаш ва уни ўринли қўллаш

¹⁹Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O`qituvchi, 2005. – B. 144.

маҳоратини намоиш қилади. Эътибор берилса, шоир ушбу шеърда қофияланишнинг куйидаги уч усулидан фойдаланганлиги кўзга ташланади:

Биринчи усул. 2 ёки 3 бўғинли сўзнинг сўнгги бўғинига 1 бўғинли сўзни қофиялаш: *эринмай - най*. Бу усул болалар шеърлятида ҳам, катталар шеърлятида ҳам кенг қўлланилади. Бу усул, одатда, шоирга икки сатрда ифодаланаётган фикрни табиий якунлаш имконини беради.

Иккинчи усул. Турли маъноларга эга бўлган, аммо бир хил шаклдаги оҳангдош сўзларни қофиялаш. Бунда қофияланувчи сўзлардан бирини бир товуш (харф)га қўшиш ёки камайтириш: *ироқни - йироқни, чалай - қалай*. Бундай қофиялаш усули шеърнинг мусикий-ритмик тузилишига равонлик ва жозибадорлик бағишлайди.

